IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245
MAXSUS SON , VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АСОСЛАРИ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Muallif	**Комилов Темуржон Каландарович**
O’qish yoki ish joyi	**А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси**
Qabul qilindi	**25.09.2023**
Nashr qilindi	**29.09.2023**

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда халқ таълимини молиялаштириш асослари, ўтган даврда бу борада эришилган ютуқлар ва ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ўрганилган. Дастлаб қонунчилик тамойиллари очиб берилган, сўнгра молиялаштириш механизмлари таҳлил қилинган. Шунингдек, молиялаштиришдаги муаммолар ва камчиликлар, молиявий самарадорликни таъминлаш учун олиб борилаётган ишлар ҳамда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар баён қилинган. Халқ таълимини молиялаштиришнинг ижтимоий аҳамияти ва таълим сифати ва натижасига таъсири борасида фикрлар илгари сурилган ва бу борадаги ишларни такомиллаштириш учун таклифлар берилган.

Калит сўзлар

халқ таълими, молиялаштириш, молиявий самарадорлик, молиялаштиришнинг ижтимоий аҳамияти

Кириш

Замонавий даврда таълим ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожланишда муҳим рол ўйнамоқда. Таълим сифати ва натижаларида молиявий маблағларнинг ўрни юқоридир. Албатта маблағларнинг миқдорий жиҳатидан кўра, сифат ва самарадорлик кўрсаткичи кўпроқ аҳамиятлидир. Таълимни молиялаштиришда устуворликлар, манбалар ва иштирокчилар катта ўринга эга. Яъни, умумтаълим мактаблари қандай молиялаштирилади, фаолияти учун қанча маблағ ажратилади, маблағлар қаердан келади ва қандай сарфланади каби саволлар катта аҳамиятга эгадир.

ЮНЕСКО, Жаҳон Банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларида кўришимиз мумкинки, бугунги кунда саводхонлик муаммосини бартараф қилиш ва таълимни ташкил қилиш учун дунё бўйлаб маблағларга (ресурсларга) эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу айниқса, бир томондан ресурслар етишмаслиги бошқа томондан глобал инқирозлар (молиявий, Covid-19 пандемияси) шароитида муаммонинг долзарблигини оширмоқда.

Шу боис, мавжуд ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ижтимоий соҳаларни жумладан, халқ таълимини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, унда устуворлик, шаффофлик, тенглик ва ҳисобдорлик тамойилларига алоҳида урғу қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса мазкур йўналишда илмий изланишларни ва тадқиқотларни талаб қилади. Хорижий ва миллий тажрибаларга таянган ҳолда ютуқ ва камчиликларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўриш каби вазифаларни қўяди.

Таълимни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва эришилган ютуқлар

Мамлакатимиз таълим сиёсатида 30 йиллик тарих ва тажриба асосида кўплаб ютуқларга эришилди. Дастлаб таълимни ташкил этиш, таълим олиш ҳақ-ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилди. Ўтган даврда «Таълим тўғрисида»ги (29.08.1997 й. N 464-I), «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (29.08.1997 й. 463-I) қонунлар ва 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган янги тартибдаги ЎРҚ-637 сонли «Таълим тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим сиёсатига оид фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳаси бўйича қарорлари таълимни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Таълимни молиялаштиришда қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар таълим ислоҳотлари, таълим устуворликлари ва таълимдаги муаммоларни ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқ эди. Қуйидаги жадвалда улар орасидаги фарқни кўришимиз мумкин:

1-жадвал. Қонунларда молиялаштириш ҳақидаги фарқлар

Таълим тўғрисидаги қонун (1997 й.)	Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 й.)	Таълим тўғрисидаги қонун (2020 й.)
31-модда. Таълимни молиялаш	4.8. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШ	62-модда. Таълим ташкилотларини молиялаштириш
32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари	4.9. МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ	63-модда. Таълимни ривожлантириш жамғармалари
		64-модда. Таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик
		65-модда. Таълим соҳасига инвестицияларни жалб этиш
		66-модда. Таълим ташкилотларининг мол-мулки

Манба: Моддаларнинг мазмунини батафсилроқ қаранг: https://lex.uz/docs/16188; https://lex.uz/docs/48401; https://lex.uz/docs/5013007

Бундан ташқари, таълимни молиялаштириш механизмлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби борасидаги Президент фармонлари ва қарорларида ҳам ўзгаришлар бўлганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2007 йил 26 февралда қабул қилинган ПФ-3857 сонли «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан халқ таълими муассасаларининг фаолиятини молиялаштириш ҳудудий молия органлари билан биргаликда мактабларнинг индивидуал бухгалтерлари томонидан бажарилган. Бироқ, 2017 йил 21 августда ПҚ-3231 сонли «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молия назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши билан халқ таълими ташкилотларини молиялаштиришнинг янги тартиби белгиланади. Ушбу қарорга кўра, халқ

таълими туман (шаҳар) бўлимларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари тузилди ва мазкур хизмат умумтаълим мактабларининг барча молиявий-хўжалик ишларни бажарадиган бўлди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: Бу ўзгаришлардан мақсад нима ва таълимдаги қандай молиявий муаммоларни ҳал қилмоқда? Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи Нодир Муротов “Ma’rifat” журналига берган маълумотларида қуйдаги фикрларни билдириб ўтади:[1] *(қисқача тезис кўринишда бериб ўтамиз)*

Шу пайтгача:

- Таълим муассасаларидаги бухгалтер ва мактаб директорларида етарли билим бўлмаганлиги турли қонун бузилишларига сабаб бўлган;
- Кимдир директор фонди маблағларини нотўғри тақсимлайди, яна кимдир ўз таниш-билишларига устамалар беришга интилган;

Эндиликда:

- Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати ташкил этилаётгани шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш ва коррупцияга барҳам беришда муайян тизим яратади;
- Педагог-ходимларга ойлик маоши ва турли устамалар берилишида шаффофликни таъминлашга эришилади. Ҳар бир ўқитувчининг неча соат дарс ўтиши, унга тўланаётган иш ҳақи миқдори, директор фондидан тайинланаётган устамалар кимларга берилаётгани, умуман, бюджетдан ажратилаётган маблағнинг нимага сарфланаётгани ҳақидаги маълумотлар мактабдаги “Эълонлар тахтаси”га жойлаштирилиб, жамоага очиқ-ойдин кўрсатиб борилади.
- Натижада, ўқитувчилар ўртасида “Ойлик маошимни ҳалигача ололмадим, кечикаяпти” ёки “Ҳисобчимиз нимагадир ойлик маошимдан ушлаб қолибди”, деган эътирозлар келиб чиқмайди.

Н. Муротовнинг фикрича, “Айримлар ҳисоб-китобларнинг янгича тизимини жорий этилиши мактаб директорининг фаолиятини мураккаблаштиради” ёки “бирон жойга пул ўтказмоқчи бўлса ҳам туманга боришга тўғри келар эканда” - деган мулоҳазалар туғилиши табиий. Аксинча, янги тизимда бу жиҳатлар анча соддалаштирилган. “Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисидаги низом”да бухгалтерия хизмати ва таълим муассасаси раҳбари ўртасидаги муносабат тартибга солинган.[2]

Ўтган давр давомида таълимни ташкил этиш ва молиялаштириш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқлардан яна бири педагог-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг нисбатан “адолатли” тизимини яратилганлигидир. Умуман олганда, таълимни молиялаштиришда педагог-ўқитувчиларнинг иш ҳақи асосий харажатларни ташкил қилади. Масалан, Европа Иттифоқига аъзо давлатларда барча таълим харажатларининг 70 фоизи педагог-ўқитувчиларнинг иш ҳақи ташкил қилади.[3] Ўзбекистонда ҳам худди шундай бўлиб, таълим харажатларининг 70-80 фоизи педагог-ўқитувчи ва педагог бўлмаган таълим соҳаси ишчи-

[1] Илҳом Жўраев, Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати. “Ma’rifat”, 13 / 12 / 2017. http://marifat.uz/marifat/ruknlar/umumii-urta-talim/13-12-17.htm

[2] Илҳом Жўраев, Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати, ўша манба.

[3] European Commission/EACEA/Eurydice. Financing Schools in Europe: Mechanisms, Methods and Criteria in Public Funding. Eurydice Report. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2014, p 15.

ходимларининг иш ҳақи ташкил этади. Аммо асл масала педагог-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қанчалик адолатли бўлиб-бўлмаганлигидадир.

Мамлакатимизда халқ таълимида меҳнат муносабатларини молиялаштириш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳак тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан белгиланган. Халқ таълими ходимларининг лавозим маошлари халқ таълими муассасаларининг педагог ходимлари ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун белгиланган базавий тариф ставкалари асосида шакллантирилади. Базавий тариф ставкаси Ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасини ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тариф ставкасига доимий устамаларни, шунингдек педагог ва раҳбар ходимларнинг айрим тоифалари иш ҳақига қўшилган компенсация тўловларини ўз ичига олади. Бу ҳақда атрофлича ва мазмунли маълумотлар келтириб ўтган тадқиқотчи Ш.Қурбонов ўз мақоласида халқ таълими тизимидаги раҳбар ва ходимларни, ўқитувчи-педагогларни меҳнатига ҳақ тўлашда қуйидагиларга амал қилинишини баён қилади:[4]

Халқ таълими педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари:

1) ходимнинг лавозимига;

2) ходимнинг малака тоифасига;

3) халқ таълими муассасасининг типига боғлиқ равишда табақалаштирилади.

Таълим муассасалари раҳбарларининг базавий тариф ставкалари ўқувчилар (тарбияланувчилар) контингентига (сонига) қараб муассасалар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади.

Халқ таълими ходимларининг касбий ўсишини рағбатлантириш учун қуйидаги малака тоифалари ва ушбу малакаларни олиш учун ходимларнинг маълумот даражасига қўйиладиган асосий талаблар белгиланади:

1) ўрта махсус, касбий (педагогик ёки бажарилаётган лавозим вазифаларига мувофиқ бўлган) маълумотга эга бўлган, ***тоифаси бўлмаган ходим***;

2) бакалавр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган ***мутахассис***;

3) бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган ***иккинчи тоифали мутахассис***;

4) бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган ***биринчи тоифали мутахассис***;

5) бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган ***олий тоифали мутахассис***.[5]

Шунингдек, халқ таълими ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасидан синфдан ташқари олиб борган таълим ва тарбиявий ишлари, касб маҳоратлари учун *устамалар*, синф раҳбарлиги учун, дафтарларни ва ёзма ишларни текшириш учун бюджетдан амалга ошириладиган *қўшимча ҳақ тўлаш* ва ишда бўлмаган ҳамкасбининг ўрнини босиш, бошқа муассасалардан жалб қилинган ўқитувчилар учун *соатбай ҳақ тўлаш* йўлга қўйилган.[6]


[4] Қурбонов Ш.М. Халқ таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва унинг бухгалтерия ҳисоби. ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ, 2017, № 6. 43-50 бетлар.

[5] Қурбонов Ш.М. 2017, ўша манба, 44 б.

[6] Қурбонов Ш.М. 2017, ўша манба, 47-48 бетлар.

Мамлакатимизнинг таълимни молиялаштиришда бюджетни шакллантириш, давлат (ҳукумат) харажатларида таълимнинг улуши барқарор тизими яратилганлиги навбатдаги эришилган ютуқлардан бири деб айта оламиз. Бу ҳақда ЮНЕСКОнинг Global Education Monitoring Report-2020 маълумотларида давлат харажатларида таълимнинг улуши юқори бўлган биринчи 10 таликда Ўзбекистон ҳам жой олган.[7] Шунигндек, қуйидаги расмда ҳам Ўзбекистонни давлат харажатларида таълимнинг улуши юқори бўлган давлатлардан бири эканлигини кўришимиз мумкинки:

1-расм. Умумий давлат харажатларида таълим улуши



Манба: OurWorldInData.org: https://ourworldindata.org/financing-education

Қуйида юқоридаги расм бўйича баъзи давлатларни 2-жадвалда кўрсатиб ўтамиз:

2-жадвал. Йиллик давлат харажатларида таълим улуши

Давлат	Йил	Йиллик давлат харажатида таълим улуши (фоизда)	Давлат	Йил	Йиллик давлат харажатида таълим улуши (фоизда)

[7] UNESCO, Global Education Monitoring Report-2020, ‘Inclusion and education: All Means All’. Paris, 2020, p. 340.

Германия	2018 й.	11,23	Ўзбекистон	2020 й.	20,54
Франция	2018 й.	9,72	Туркманистон	2019 й.	23,01
Италия	2018 й.	8,8	Қозоғистон	2019 й.	14,11
Б.Британия	2018 й.	13,34	Россия	2018 й.	14,34
Польша	2018 й.	11,12	Эрон	2019 й.	21,25
Финландия	2018 й.	11,95	Тожикистон	2021 й.	19,91
Туркия	2018 й.	12,41	Қирғизистон	2019 й.	16,74
Хитой	2018 й.	11,45	Перу	2021 й.	17,89
Эстония	2018 й.	13,39	Чили	2018 й.	21,38

Юқоридаги давлатларнинг ҳукумат харажатларида таълим улуши охирги ўн йилдан буён ўртача ушбу фоизлар атрофида эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда таълим харажатлари йиллик ҳукумат харажатларининг 20 фоиз атрофида бўлиб, бу ҳолат 2000 йилларнинг бошида ҳам шундай бўлган. Бу борада хорижлик тадқиқотчилар Хиллман ва Йенкнер 2004 йилги мақоласида ўртадан паст даромадга кирувчи давлатлар ичида Ўзбекистон барча болаларни таълим билан қамраб олувчи барқарор таълим тизимга эга эканлигини таъкидлаб ўтганди.[8]

Таълимни молиялаштиришдаги муаммолар ва камчиликлар

Юқорида таълимни молиялаштиришдаги ҳуқуқий ислоҳотлар ва ютуқлар борасида маълумот бериб ўтган бўлсак-да, таълимни молиялаштиришда бир қанча муаммо ва камчиликлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Таълимни молиялаштиришга таъсир қилувчи биринчи муаммо бу ресурсларнинг етишмаслигидир. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ва аҳоли даромади нуқтаи назардан дунё стандарти бўйича ўртадан пастда қолмоқда. Киши бошига ЯИМнинг улуши 2 минг долларга яқин бўлиши, ижтимоий муаммоларнинг кўплигини билдиради.

Ўзбекистондаги ЮНИСЕФ ваколатхонасининг 2019 йилги фаолияти бўйича ҳисоботида маълум қилишича, 2016 йилда мамлакатда камбағаллик даражаси (кунига 2100 ккал дан кам истеъмол қилувчи инсонлар сони бўйича ҳисобланган) 12,3% ни ташкил этди. Қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич аҳолининг тўртдан уч қисмини ташкил этган. Амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими болали оилаларни камбағалликдан самарали ҳимоя қилмайди: 9 ёшгача бўлган болаларнинг 30% га яқини ва 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 24% энг камбағал квинтиллардан бўлган оилаларда яшайди. Бошланғич ва ўрта таълим даражаларида давомат ўртасидаги фарқлар шундан далолат беради, болалар ушбу босқичларда мактабни ташлаб кетишлари ёки синфда қолишлари мумкин. 2017 йилда 33 минг нафар болалар ва 108 минг нафар ўспиринлар мактабга қатнамаган бўлиб, уларнинг 60% қизлар ва аксарияти ногирон болалардир.[9]

Юқорида кўрсатганимиздек, йиллик ҳукумат харажатларида таълим ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг улуши юқори бўлсада, йиллик даромаддан келиб чиқадиган умумий ҳукумат харажатларининг пастлиги, давлат харажатларида ижтимоий соҳаларнинг улуши фоиз

[8] Hillman Arye L. and Jenkner Eva, Educating Children in Poor Countries. International Monetary Fund, 2004 https://www.imf.org/external/pubs/ft/issues/issues33/ (Маълумотга эришилган тарих: 19.09.2022)
[9] Ўзбекистон Республикасидаги ЮНИСЕФ ваколатхонасининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот. – Т., 2-4 бетлар.

ҳисобида кўп бўлсада, миқдорий ёки киши бошига ҳисоблаганда анча кам эканлигини кўрсатади. Шу боис, ижтимоий соҳага ресурсларни кўпроқ жалб қилиш учун давлатнинг йиллик даромади ва умумий бойлигини хажми ошиши асосий масала бўлиб қолмоқда.

Ресурсларнинг етишмаслиги билан бирга, мавжуд ресурсларни ҳам тўғри ва самарали ишлатиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Масалан, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ПҚ-3231 сонли қарор билан таълимни молиялаштириш марказлаштирилганлигига қарамай, ҳали ҳам таълим тизимида бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланиш ва молиявий камчиликлар учраб турибди. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Халқ таълими вазирлигининг ички аудит ва моляивий назорат хизмати билан ҳамкорликда 2020 йилги мониторинг натижаларига кўра, Халқ таълими вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан жами 192,2 млрд.сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Соҳада хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ойлик иш ҳақи учун ажратилган маблағларнинг 52,5 млрд. сўмлик қисми ноқонуний ўзлаштириш, ортиқча тўловлар ва ўғирлик натижасида талон-тарож қилинган. “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига риоя этмаган ҳолда 56 млрд.сўмлик шартномалар тузилганлиги маълум бўлган. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш учун ажратилган 27,8 млрд. сўм бюджет маблағлари самарасиз сарфланганлиги ва Халқ таълимидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг 21 млрд.сўмлик қисми нотўғри сарфланиши ҳамда 34,9 млрд. сўмлик бошқа хато ва камчиликлар аниқланган.[10]

Таълимни молиялаштиришдаги учинчи камчилик бу меҳнатга ҳақ тўлашни янада такомиллаштириш. Албатта, юқорида кўрсатганимиздек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарори билан бу борадаги ишлар тизимлаштирилган ва нисбатан “адолатли” тизим йўлга қўйилган. Шундай бўлсада, педагог-ўқитувчилар ўз маошидан қониқмайди ва иш ҳақи етарлича рағбатлантирилмаслигидан шикоят қилади. Меҳнатга тўлов тоифага асосланиши қанчалик ўзини оқламоқда? Тоифаси бўлмаган лекин жуда самарали ва сифатли дарс берадиган ўқитувчилар меҳнати қандай рағбатлантирилмоқда?

Таълимни молиялаштиришдаги муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ва таклифлар

Юқорида кўрсатиб ўтганимиз муаммо ва камчиликлар давлатимиз эътиборида эканлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Биринчи муаммо ҳисобланган ижтимоий муаммони ҳал қилиш осон иш эмас, лекин ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармони ва ушбу Фармон ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон қарори билан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Ушбу вазирлик ўтган даврда “Темир дафтар”га киритилган 613,9 минг оила, уларнинг 2,6 млн нафарга яқин аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб қувватлаб босқичма-босқич камбағалликдан чиқариш ишлари олиб

[10] Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Халқ таълими вазирлигининг ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамкорликда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги юзасидан ўрганиш ўтказилди. 4 Май 2020, http://ach.gov.uz/uz/lists/view/138

борилаётганлиги[11] ва вазирлик қошида “Ишга марҳамат” мономарказлар ташкил этиб, аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ишлари орқали аҳолини иш билан банд қилиш ва ўз даромадларини ошириш чоралари кўрилаётганлигини таъкидлаш лозим.[12]

Иккинчи муаммо ҳисобланган таълимни молиялаштиришдаги хато камчиликларни бартараф этиш учун Ҳисоб палатаси ва Халқ таълими вазирлиги Ички аудит хизмати томонидан техник ва методик кўрсатма ва тавсиялар мунтазам берилиб келмоқда. Улар қуйдагилардир:[13]

– моливий-хўжалик ишларида инсон омилини камайтириш ва режалаштиришдаги камчиликларни олдини олиш бўйича “УзАСБО” дастурий мажмуасига ўзгартиришлар киритилиб, янги модул ва автоматик чекловлар жорий этиш;

– “Халқ таълими тизимидаги муассасаларни бошқариш бўйича ягона электрон дастурий мажмуа – erp.maktab.uz” ахборот тизими ишлаб чиқилган бўлиб, умумтаълим мактаблари бўйича барча маълумотларни киритиш;

– профилактикани кучайтириш, ноқонуний харажатларни амалга ошириш риски мавжуд бўлган ҳудудлар бўйича алоҳида “қизил” рўйхат шакллантириш ва назоратни ошириш;

– тизимда амалга оширилаётган давлат харидлари мониторингини олиб бориш бўйича электрон дастур ишлаб чиқилган бўлиб, тизимни тегишли идоралар маълумотлар базалари билан интеграциясини таъминлаш;

– аниқланган молиявий хато ва камчиликлар, ноқонуний ишлар бўйича ҳуқуқий жавобгарликни кучайтириш.

Шу билан биргаликда, Халқ таълими вазирлиги А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институтининг “Узлуксиз касбий таълим” onlinedu.uz платформаси орқали таълим ташкилотларидаги молия-бухгалтерия ходимларини молиявий саводхонлигини ва узлуксиз малака ошириш ишлари йўлга қўйилмоқда. Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати facebook саҳифасида маълум қилишича, тизимда фаолият олиб бораётган молия-бухгалтерия ходимларининг бюджет таъминотини самарасиз йўналтириш, йиллик харажатлар сметасини нотўғри тақсимлаш, тизимга ажратилган маблағларни талон-тарож қилиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, моддий-техник базани сақлашдаги масъулиятсизлиги уларнинг молиявий, ҳуқуқий саводхонлигини такомиллаштиришни тақозо этади. Муаммонинг келиб чиқиши молиявий саводхонликка бориб тақалмоқда. Бу дегани юқорида айтилганидек, баъзи ҳолатларда молиячилар тушунмаган ҳолда ҳам хатога йўл қўйган. Шу боис, уларни малакаси оширилар экан бунда аввало, сўровномалар, саволлар ва тестлар орқали бухгалтерларнинг билим кўникма ва малакалари аниқланиб, шунга кўра талаб эҳтиёжидан келиб чиқиб дастур, контентлар тайёрланади.[14]

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 646-сон қарори билан 2021 йил 1 мартдан бошлаб таълим сифати ва натижаларида тенгликни таъминлаш учун олис ҳудудларга малакали кадрларни жалб қилиш ва олис ҳудудларга бориб ишлаётган малакали кадрларнинг ойлик

[11] “Temir daftar”ga kiritilgan ehtiyojmand oilalarni qo‘llab-quvvatlash borasida amalga oshirilgan ishlar. 19/01/2022, https://mineconomy.uz/uz/info/4219

[12] Aholini kasb-hunarga va tadbirkorlikka o‘qitish – fuqarolarimizni mehnat bozorida munosib o‘rin egallashiga va daromadini oshirishga xizmat qiladi. 08/04/2022, https://mineconomy.uz/uz/info/4501

[13] Халқ таълими вазирлиги ички аудит хизмати томонидан аниқланган ва бартараф этилган хато-камчиликлар тўғрисида ҳисобот берилди. 25 февраль 2022 йил, https://www.uzedu.uz/y3/news/218

[14] Халқ таълими тизимидаги ҳисобчиларнинг молиявий саводхонлиги оширилади. 6.09.2022, https://www.facebook.com/uzedu/posts/3263418790600057/

маошига 50 фоиздан 100 фоизгача устама бериш ва кўчиб ўтишининг бир марталик йўл харажатини қоплаб беришни йўлга қўйилаётганлигини[15] айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, педагог-ўқитувчиларни меҳнатини рағбатлантириш учун ҳар йили таълим натижалари асосида яхши кўрсаткични қўлга киритган мактаблар тақдирланмоқда.[16]

Албатта, юртимизда таълимга бўлган эътибор юқоридир. Айниқса, охирги 4-5 йилда таълим тизими том маънода бутунлай ислоҳ қилинди ва ҳар томонлама ривожланиши учун давлатнинг қисқа ва узоқ муддатли стратегиялари ишлаб чиқилди. Шу боис, таълимни молиялаштириш йўналишида биз кўрмай қолган яна кўплаб амалий ишлари олиб борилаётган бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда, бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш ва муаммо-камчиликларни ҳал қилиш учун тадқиқотчи сифатида қуйидаги ***таклифларни*** бериб ўтамиз:

Биринчидан, педагог-ўқитувчиларни ижтимоий қўллаб қувватлаш. Бу ҳозирги тариф ставкаси бўйича ойликларини бир баробарга кўпайтириш лозим. Албатта, бу давлат бюджетига катта юк (нагрузка) бўлиши ёки шундай кўриниши мумкин. Лекин, ўқитувчи-педагогларнинг ойлик маошини ортиши жойларда аҳоли даромадларини ўсишига ижобий таъсир қилади. Бу кўплаб хорижий тадқиқотларда ўз исботини топган.[17] Бюджет тақчиллигини камайтириш солиқ юкини кўриб чиқиш билан ёки бюджетдан ажратилаётган муҳим ва долзарб бўлмаган харажатларни камайтириш билан ҳал қилиш мумкин. Унутмаслик керакки, ўқитувчиларнинг мавқейи ва ижтимоий ҳимояланганлиги ойлик маоши билан ўлчанади, бу эса таълим сифати ва самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, педагог-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш юқорида кўрсатиб ўтканимиздек, тоифларга асосланади. Буни бир қайта кўриб чиқиш лозим, деб ўйлаймиз. Тоифага асосланган тўлов механизми қанчалик ўзини оқламоқда? Гап шундаки, баъзи ўқитувчиларнинг тоифаси бўлмаслиги ёки пастроқ бўлиши мумкин аммо таълим бериш даражаси ва фаолияти жуда юқори ва сифатли бўлиши мумкин. Боз устига тоифага эга малакали ўқитувчи қандай аниқланади? Қоғозбозликни чиройли қилгани учун-ми ёки сифатли таълим бергани учун-ми? Агар сифатли таълим бериш инобатга олинса, унинг тоифасини оширишга қаратилган хат-хужжатлар нега керак? Ушбу масалаларни атрофлича кўриб чиқиш ва меҳнатга яраша муносиб ҳақ тўлашнинг шаффоф тизимини жорий қилиш лозим. Бу учун бизнинг фикримизча, таълим натижаларига (миллий ва халқаро тестлар, таълим инспекциясининг ҳар йилги натижаларига қараб), дарс ўтишини объектив баҳолаш каби йўллар билан ойлик маоши беришни йўлга қўйиш лозим.

Иккинчидан, мавжуд ресурсларни тўғри ва самарали ишлатилиши учун молиялаштириш механизмини яна бир бор қайта кўриб чиқиш лозим. Бу учун эринмаслик керак ва ишни орқага ташаб ҳам бўлмайди. Молиялаштиришда қаерда хато ва камчиликлар ҳамда талон-торожликлар кўп бўлаётганлигини аниқлаш, бунда оралиқ ташкилотларнинг (ҳудудий ва туман-шаҳар халқ таълими мудирликлари) ўрни ва жавобгарлиги, ҳисобдорлигини ортириш, назорат қилувчи орган Ҳисоб палатаси ва Халқ таълими вазирлигини ўзи балки бошқа бир

[15] ХТВ «қизил мактаб»ларга малакали ўқитувчиларни жалб этадиган янги лойиҳа эълон қилди, 09.04.2021. https://kun.uz/32954899

[16] Умумтаълим мактаблар рейтинги эълон қилинди, 3 октябр 2022, https://tdi.uz/oz/news/4691

[17] Биргина мисол. Батафсилроқ қаранг: Jackson C. K., and Mackevicius C. “The Distribution of School Spending Impacts.” No. w28517, National Bureau of Economic Research, 2021.

назорат қилувчи органни (масалан молия, прократура) ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий соҳага ажратилаётган ҳар бир сўмни тўғри ва самарали ишлатиш Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий ва молиявий ҳолати учун ва бошланган ислоҳотларни самараси учун юрак томирларидек муҳимдир.

Учинчидан, таълимни молиялаштириш учун алоҳида қисқа ва узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиш лозим. Унда молиялаштириш манбалари қаердан, қанча миқдорда бўлиши, ўсиб бориш жиҳатлари, унга таъсир қилувчи омиллар, харажатлар сметаси, таълим устуворликлари, қўшимча маблағлар, халқаро грантлар, маҳаллий имкониятлар, назорат қилиш механизмлари ва ҳакозо тоифалар чуқур, аниқ ва тушунарли ишлаб чиқилиши ва ёзилиши лозим. Зеро, Жаҳон банкининг Таълимни молиялаштириш бўйича Глобал платформа вакиллари таъкидлаганидек, таълимни молиялаштиришдаги илғор тажрибалар шуни кўрсатадики, бу борадаги муваффақиятли давлатлар биринчи навбатда *ишончли молиялаштириш стратегиясига* эга бўлган.[18]

Тўртинчидан, таълимни молиялаштириш бўйича стратегияда ҳозир имкони бўлмаётган бўлсада яқин келажакда мактабларда ўқувчиларга бир марталик иссиқ овқат билан таъминлашни йўлга қўйиш лозим. Бу ўқувчиларни нафақат соғлом бўлиб вояга етишини балки билими ва фикрлашини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Буни аҳамиятини ўтмишда кўрганмиз, шу боис уни қайтариш лозим.

Хулоса

Мамлакатимизда охирги йилларда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар таълимга бўлган эътиборни юқори эканлигини кўрсатмоқда. Ўтган даврда таълим соҳасида бир қанча ютуқларга эришишимиз билан бирга, етарлича муаммо ва камчиликлар борлигини инкор ҳам қилолмаймиз. Таълим бу жараён бўлганлиги учун унда ҳар доим муаммо ва камчиликлар келиб чиқади. Муҳими, ушбу муаммо ва камчиликлар устида ишлаш, тадқиқот олиб бориш ва бартараф қилиш лозим. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, таълимни молиялаштириш учун кўпроқ маблағ жалб қилиш, молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, бунда орқалиқ ташкилотлар (вилоят, туман-шаҳар халқ таълими мудирликлари) фаолиятини янада яхшилаш, молиявий ресурсларни очиқ ва тўғри сарфланишини назорат қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини кўриб чиқиш ва унда кўпроқ таълим натижаларига қараб иш ҳақи тўлаш ва рағбатлантиришни ривожлантириш, молиялаштириш стратегияларига эга бўлиш, яқин келажакда халқ таълимида ўқувчилар учун бир марталик иссиқ овқат билан таъминлашни йўлга қўйиш ва бошқаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим соҳасидаги барча ислоҳотлар ва саъй-ҳаракатлар натижаси кўп жиҳатдан ресурсларни тўғри ва самарали ишлатиш билан боғлиқ. Молиявий ресурсларни тўғри ишлатиш учун аввало ишончли маълумотлар ва сратегияларга эга бўлиш билан бошланади. Ундан кейин таълим устуворликларига аҳамият қаратиш, молиявий ресурсларни етказиб берувчи, ўтказувчи ва сарфловчи ташкилотлар орасида очиқ, шаффоф ва мукаммал ҳамкорлик тизимини яратиш, назоратни кучайтириш лозим. Барча молиявий ҳаракатлар ва харажатлар таълим натижаларига қаратилган бўлиши керак. Таълим натижалари педагог-

[18] World Bank Launches Initiative to Tackle Education Financing Challenges, November 12, 2019. https://www.worldbank.org/en/news/feature/2019/11/12/world-bank-launches-initiative-to-tackle-education-financing-challenges

ўқитувчиларнинг билим ва малакасига боғлиқ экан, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, малакасини оширишнинг илғор ёндашувларини жорий қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

Қонун, фармон ва қарорлар:

1. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1997. https://lex.uz/docs/16188
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1997. https://lex.uz/docs/48401
3. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 2020. https://lex.uz/docs/5013007
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3857 сонли «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, 2007 йил 26 февраль.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3231 сонли «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молия назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. Тошкент, 2017 йил 21 август.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5975-сонли «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, 2020 йил 26 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 275-сонли «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. Тошкент, 2005 йил 21 декабрь.

Китоб, мақола ва интернет манбалари:

8. Илҳом Жўраев, Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати. “Ma’rifat”, 13 / 12 / 2017. http://marifat.uz/marifat/ruknlar/umumii-urta-talim/13-12-17.htm
9. Умумтаълим мактаблар рейтинги эълон қилинди, 3 октябр 2022, https://tdi.uz/oz/news/4691
10. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Халқ таълими вазирлигининг ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамкорликда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги юзасидан ўрганиш ўтказилди. 4 Май 2020, http://ach.gov.uz/uz/lists/view/138
11. Ўзбекистон Республикасидаги ЮНИСЕФ ваколатхонасининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот. – Т., 2020.
12. Халқ таълими вазирлиги ички аудит хизмати томонидан аниқланган ва бартараф этилган хато-камчиликлар тўғрисида ҳисобот берилди. 25 февраль 2022 йил, https://www.uzedu.uz/y3/news/218
13. Халқ таълими тизимидаги ҳисобчиларнинг молиявий саводхонлиги оширилади. 6.09.2022, https://www.facebook.com/uzedu/posts/3263418790600057/
14. ХТВ «қизил мактаб»ларга малакали ўқитувчиларни жалб этадиган янги лойиҳа эълон қилди, 09.04.2021. https://kun.uz/32954899
15. Қурбонов Ш.М. Халқ таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва унинг бухгалтерия ҳисоби. ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ, 2017, № 6. 43-50 б.

16. Aholini kasb-hunarga va tadbirkorlikka o‘qitish – fuqarolarimizni mehnat bozorida munosib o‘rin egallashiga va daromadini oshirishga xizmat qiladi. 08/04/2022, https://mineconomy.uz/uz/info/4501
17. European Commission/EACEA/Eurydice. Financing Schools in Europe: Mechanisms, Methods and Criteria in Public Funding. Eurydice Report. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2014.
18. Jackson C. K., and Mackevicius C. “The Distribution of School Spending Impacts.” No. w28517, National Bureau of Economic Research, 2021.
19. Hillman Arye L. and Jenkner Eva, Educating Children in Poor Countries. International Monetary Fund, 2004 https://www.imf.org/external/pubs/ft/issues/issues33/ (Маълумотга эришилган тарих: 19.09.2022)
20. OurWorldInData.org: https://ourworldindata.org/financing-education
21. “Temir daftar”ga kiritilgan ehtiyojmand oilalarni qo‘llab-quvvatlash borasida amalga oshirilgan ishlar. 19/01/2022, https://mineconomy.uz/uz/info/4219
22. UNESCO, Global Education Monitoring Report-2020, ‘Inclusion and education: All Means All’. Paris, 2020.
23. World Bank Launches Initiative to Tackle Education Financing Challenges, November 12, 2019. https://www.worldbank.org/en/news/feature/2019/11/12/world-bank-launches-initiative-to-tackle-education-financing-challenges

WORDLY KNOWLEDGE